

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 16 февраль • №7 (1441)

• 2023 ЙИЛ– ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ •

ТИББИЁТ ХАЛҚЧИЛ ТИЗИМГА АЙЛАНАДИ



Эътирофлиси шундаки, Президентимизнинг мамлакатимиз тиббиёт тизимига қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари боис, соғлиқни сақлаш соҳасида кўплаб ижобий натижалар ўз самарасини бераётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Айниқса, давлатимиз томонидан тизимга оид қабул қилинаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатлар замирида инсон қадри ва унинг саломатлиги мужассам эканлигини кўрамиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур ўрин олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси ҳар биримизнинг олдимизга улкан масъулият ва эзгу ишларни амалга ошириш талабини кўяётганлиги, бу албатта, жамиятимиз пойдеворини янада мустаҳкам бўлишида дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, бу каби умуммиллий ҳаракатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам ўз олдига янгича бир қатор стратегик вазифаларни белгилаб олди. Бунда энг асосийси, фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилишда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, стратегик ривожлантириш истиқболларини прогностлаш, соҳага илғор бошқариш усуларини жорий этишдан иборат ҳисобланади.

Таъкидлаш муҳимки, биринчи устувор вазифаларимиздан энг муҳими тиббиётнинг бирламчи тизимидаги ислохотларни давом эттиришдир. Бундан кўзланган асосий мақсад – аҳоли орасида мавжуд касалликларни эрта аниқлаш ва профилактикасини таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик ва тўғри овқатланишни кенг ва доимий тарғибот қилишимиз зарур.

Сўнгги олти йил мобайнида мамлакатимизда инсон ҳаёти сифатини яхшилаш, узоқ умр кўриш ва ижтимоий ҳаёт давомийлигини узайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Фаровон жамият яратиш, интеллектуал ин-

сон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш шартларидан бири сифатида соғлом турмуш тарзига эътибор ва барча ёшдаги аҳоли учун имкониятларга бой сифатли ҳаёт даражасини таъминлаш муҳимдир. Бу, албатта, бирламчи тиббиёт тизимидаги ходимлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мазкур фаолиятларни самарали амалга ошириш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш муҳим масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг март ойидан бошлаб, “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлашни режалаштиряймиз. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин. Ушбу ҳаракатнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қандай мақсадларга қаратилган?

Биринчи навбатда, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва ҳаёт сифатини ошириш, юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш ва хавф омилларини бошқаришга йўналтирилган вазирлик ва идоралараро фаолиятни мувофиқлаштириш, аҳолининг саломатлик ва касалланиш кўрсаткичларини унинг турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда изчил ўрганиш ва баҳолаш, саломатлик учун хавф солувчи ҳолатларини аниқлаш ва доимий мониторинг ўтказишдан иборат.

Шу билан бирга, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий фаоллиги ва тиббий маданиятини ошириш шунингдек, сифатли тиббий ёрдам билан кенг ва тўлақонли қамраб олишни таъминлаш, соғломлаштиришни тиббиётдаги та-

сина оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокити таъминлаш, соғлом турмуш тарзи йўналиши бўйича тиббий ва нотиббий ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича ягона миллий дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, амалиётга тадбиқ этиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида турли жамият институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, сунъий интеллект ёрдамида саломатликка

тисослаштирилган марказлар ва тиббиёт олийгоҳлари томонидан соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича 31 та лойиҳани давом эттириш кўзда тутилган. Бунинг яна бир аҳамиятли жиҳати, тизимдаги мазкур умуммиллий ҳаракат – тиббиётни аҳолига яқинлаштириш борасида муҳим тажрибага айланади. Бунинг доирасида 2022 йилда 1000 дан ортиқ маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилган бўлса, 2023 йилда яна 500 тасини ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, республика бўйича 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пунктлари ташкил этилиб, жами бирламчи тизим муассасалари сони 4200 тага етказилади ва бунинг натижасида кўшимча 2 миллион нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилади.

2022 йилдан бошлаб 70 турдаги дори воситалари ва 50 турдаги тиббий жиҳоз ва сарфлов воситалари билан бирламчи тизимда бепул таъминланиши йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 85 минг нафар ижтимоий химояга муҳтож, сурункали касаллиги бор бўлган беморлар “эналаприл” ва “метформин” препаратлари билан бепул таъминланиди, натижада уларда юрак қон-томир ва қандли диабет касалликларининг асоратлари олди олиншига эришилди.

2023 йилда ҳам 14 та имтиёзли тоифадаги аҳолини амбулатор даволанишида дори дармонлар билан тўлиқ таъминлаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига мурожаат қиладиган 85 фоиз аҳоли кафолатланган тиббий хизматлар ҳажмига асосан дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланиши йўлга қўйилади. 100 минг нафар ижтимоий химояга муҳтож, сурункали касаллиги бор бўлган беморлар “эналаприл” ва “метформин” препаратлари билан бепул таъминланади.

2022 йилда 10,3 миллион нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли юрак қон томир касалликлари ва қандли диабет ҳамда 3 миллион нафар аёлларда саратонни эрта аниқлаш скрининги ўтказилди. Бунинг учун,

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ БЎЙИЧА УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ БОШЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни ижтимоий соҳаларга масъул раҳбарларни қабул қилди. Унда таълим ва тиббиёт сифати, илм-фан ва маданият ривожини, ёшлар ҳаёти каби соҳалардаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Таъкидланишича, 2023 йилдан бошлаб ўқувчиларни иккита хоризжий тил ва битта касбга ўргатиш мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг энг устувор вазифаси бўлади. Бугунги кунда аҳолининг 56 фоизиди ортиқча вазн, 30 фоизиди сурункали касалликлар бор. Шу боис Ўзбекистонда «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракати бошланиши маълум қилинди.

мойиллар асосида аҳоли учун самарали, хавфсиз ва оммабоп маълумотларни коммуникацион ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириш, жамият саломатлигини таъминлаш мақсадида илмий тадқиқотларни режалаштириш, ўтказиш, ҳамда давлат ва жамият бошқарувида кенг қўллаш, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва юқумли бўлмаган касалликларга сабаб бўлувчи хавф омилларини аниқлаш (чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, носоғлом овқатланиш, кам жисмоний ҳаракат ва стресс ҳолатларини енга олмаслик), аҳоли саломатлигини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга эътибор қаратилади. Бундан ташқари, аҳоли саломатлик даража-

таъсир этувчи асосий детерминантларни таҳлил қилиш ва башорат қилиш учун аҳоли саломатлиги маълумотларини йиғиш соҳасини рақамлаштириш умуммиллий ҳаракатнинг асосини ташкил этади.

Дастурда Ўзбекистон Республикасида жамоат саломатлиги соҳасидаги замонавий далиллар ва ютуқлар ҳисобга олинган бўлиб, келгуси саккиз йил (2023-2030 йиллар) учун ҳаракатлар устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, аҳоли ўртасида эрта ўлим ва ногиронликни камайтириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва соғлом умр кўриш давомийлигини ошириш мақсадларига эришишга ёрдам беради. Юқоридагиларни янада ривожлантириш ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш мақсадида Республика их-

• 2023 ЙИЛ– ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ •

ТИББИЁТ ХАЛҚЧИЛ ТИЗИМГА АЙЛАНАДИ

Давоми. Боши 1 бетда

15 та мобил маммограф, Республика Онкология марказида «Call-марказ» фаолияти йўлга қўйилди. 2023 йилда 18-40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳолини профилактик кўриқдан, сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолини юрак қон-томир касаллиги ва қандли диабет, 3 миллион нафар аҳолини онкология касаллигига скрининг текширувлардан ўтказилади. Республиканинг барча туғруқ комплексларида янги туғилган чақалоқларни аудио ҳамда ортопедик скрининглардан ўтказиш йўлга қўйилади. Бунинг натижасида 6 миллион нафар аҳолига тиббиёт яқинлашади, касалликларни эрта босқичларда аниқлаш даражаси 50 фоизга етказилади, сурункали касалликлар асоратлари 30 фоизга камаяди, ногиронлик ва эрта ўлим кўрсаткичларини пасайишига эришилади.

2022 йилда олис ва чекка ҳудудлардаги МФЙлар сони 248 тадан 297 тагача етказилди. Олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақиға қўшимча 2 миллион сўм миқдоридан ҳар ойлик устама, ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизгача қисмини қоплаб бериш ва узлуксиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилиш имтиёзлари берилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзак, Бўзатов, Шуманай ва Қўнғирот туманларига ишга борганларга 100 фоиз, Мўйноқ туманига 200 фоиз устама белгилади. Натижада 2022 йилда олис ҳудудлардаги 308 та вакант ўринлар тўлдирилиб, уларга 2 миллиард сўм устама тўлаб берилди. Энг эътиборлиси, жорий йилдан бошлаб, барча стационар шифохоналарда беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш фақат шифохона орқали амалга оширилади.

Иккинчи устувор вазифамиз малакали ва сифатли тиббий хизматлардан жойларда фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришдан иборат. Яъни, ҳудудларда ихтисослашган тиббий хизматлар қўламини янада кенгайтиришга эътибор қаратилади. Бунда беморлар учун қўлай бўлган, улар яшаб турган жойда касалликни эрта аниқлаш ва соғломлаштириш ишларини ҳам давом эттирамиз. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги 14 та ҳудудий ҳокимликлар, 23 та ихтисослаштирилган марказлар билан шартномалар имзоланди. Унга кўра, 2022 йилда ўтказилган ва ижобий натижа бер-

ган “тиббий кўриқлар”ни 2023 йилда ҳам давом эттирилиши режалаштирилган. Марказларнинг 1 140 нафар мутахассисларини жалб этган ҳолда ҳудудларда жигар, қон-томир, қорин, кўкрак қафаси, трансплантология, микрохирургия, реконструктив ва пластик жароҳлик амалиётларини кенг жорий этиш белгиланган. Бўйрак трансплантацияси амалиёти 2022 йилдаги 350 тадан жорий йилда 500 тага, жигар трансплантацияси 20 тадан 50 тага оширилади.



2022 йилда йўлга қўйилган ва ижобий натижа берган аҳоли ўртасида олиб борилган чуқурлаштирилган “тиббий кўриқлар” келгуси йилда ҳам давом эттирилиб, жорий йилда яна 500 минг нафардан зиёд аҳоли ушбу кўриқлардан ўтказилади. Аниқланган беморларга амбулатор ва стационар ёрдам ҳудуднинг ўзидан кўрсатилади. Шунингдек, 15 минг нафар беморларга юқори технологияли амалиётлар ўтказилиши режалаштирилди. Бунда, юрак туғма нуқсонли беморларга 2500 та окклюдер имплантацияси, 1700 та лапароскопия, 1600 та эндоваскуляр ҳамда шунтлаш, стентлаш, ангиография ва коронарография каби амалиётлар ўтказилади. Ҳудудларда 5 минг нафар, ихтисослаштирилган марказларда 2 минг нафар ва хорижда 500 нафар мутахассислар малака ошириш курсларида 550 турдаги амалиётни ўзлаштиради. Вазирлик, ҳудудий ҳокимлик ва ихтисослаштирилган марказлар томонидан имзоланган “уч томонлама шартнома” асосида ҳокимликлар 90 миллиард сўмлик сарфлов воситалари ва 75 миллиард сўмлик 37 турдаги тиббиёт ускуналари билан таъминлашга маблағлар ажратади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда оналар ва чақалоқлар саломатлигини муҳо-

фаза қилиш ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, ҳомиладорларда, янги туғилган чақалоқларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳалар бўйича жойлардаги ҳақиқий аҳвол таҳлили оналар ва чақалоқлар саломатлигини муҳофаза қилиш хизматининг тизимли муаммолари ҳамда камчиликларни мавжудлигини кўрсатди. Бу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этиш

лашда иштирок этиш, репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар, янги туғилган чақалоқлар касалликлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хорижий илмий-тадқиқот тиббиёт марказлари, клиникалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

рени таъмирлаш, зарур ускуналар билан жиҳозлаш ва туғруқ ўринлари сонини мавжуд 11 мингтадан 15 мингтага ёки 35 фоизга кўпайтириш кўзда тутилади. 46 та туманлараро перинатал марказни жиҳозлашга 5,2 миллион доллар йўналтирилади. Келгуси йилда болаларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний, рационал ва соғлом ривожланиши, аёлларда камқонлик ҳамда туғма нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида болаларни ҳамда ўсмир қиз ва ҳомиладор аёлларни витамин, дори воситалари билан бепул таъминлашга 145 миллиард сўм йўналтирилади. 18-40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳоли профилактик кўриқдан ўтказилади. 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолида юрак қон-томир касаллиги ва қандли диабет бўйича скрининг текширувлари олиб борилади. 9 миллион нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўрта мактаб ўқувчилари тиббий кўриқдан ўтказилади. Онкологик касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида йилига 3 миллион нафар аҳоли скринингдан ўтказилади. Республика бўйича 6-23 ойлик бўлган жами 1,2 миллион нафар болалар микронутриент кукуни билан бепул таъминланади. 2-10 ёшдаги жами 6,3 миллион нафар болаларга гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар етказиб берилади.

Шунингдек, тиббий туризм соҳасида тиббий хизматлар ва юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ҳамда мазкур хизматлар экспортни ҳажмини ошириш, ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш, ушбу муолажаларга бўлган монеликлар, чекловларни белгилаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қўмақлашувчи ҳаёт тарзини ҳамда услубини оммалаштириш, ўсмирлар орасида репродуктив аъзолар патологиясини, шунингдек, ирсий касалликларни аниқлашга қаратилган тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш, соғлом оилани шакллантириш, оналар ва чақалоқлар саломатлигини муҳофаза қилишда янги технологияларни йўлга қўйиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, чақалоқлар ўлими ва туғма ногиронликни камайтириш, ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойида аёлларни кўп тармоқли туман (шаҳар) марказий поликлиникаси “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими”да оммавий пренатал скринингдан ўтказиш, хавф гуруҳига кирган ҳомиладор аёлларда генетик текширувларни амалга ошириш чора-тадбирларини янада талкомиллаштиришга қаратилади. Бунда, туғруқ комплексла-

Ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 8,5 миллион нафар 3-15 ёшдаги болалар, йод препарати билан таъминланади. 5,9 миллион нафар 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни поливитамин, темир ва фоллий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш кўзда тутилган. Эшитиш қобилияти паст бўлган 250 нафар болаларга кохлеар имплант ўрнатилади (32 миллиард сўм). Спинал мушак атрофияси бор 112 нафар болаларни даволаш учун 120 миллиард сўмлик дори воситалари етказиб берилади. Маълумки, 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинганлиги, бу албатта, тиббий таълимда кадрларни тайёрлаш энг муҳим масалалардан бири эканлигини кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, тиббий таълимнинг бугунги кунда том маънода трансформацияга муҳтожлигини англаб турибмиз. Бу борада қуйидаги муаммолар кўзга ташланмоқда. Жумладан, вазирлик тизимидаги 65 минг нафар шифокорларининг 53 фоизи, 340 минг нафар ҳамшираларининг 55 фоизи малака тоифасига эга эмас. Бошқарув раҳбарларнинг (вилоят бошқармаси, ўринбосарлари, вилоят шифохоналари) 10-20 фоизи менеджмент бўйича ма-

• 2023 ЙИЛ– ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ •

ТИББИЁТ ХАЛҚЧИЛ ТИЗИМГА АЙЛАНАДИ

лака ошириш курсларини ўтаган. Тиббиёт олий таълим муассасалари халқаро тан олинган аккредитациядан ўтмаган. Шундай экан, мавжуд 11 та олий таълим муассасаларида тиббий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларини тўлиқ трансформация қилиш зарурати юзага келмоқда. Буларнинг амалий ечими сифатида республикадаги 11 та тиббиёт олий таълим муассасалари “Тиббиёт университети” ларига айлантирилади. Тиббиёт институтларида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура ўқув режаларига “нано технология”, “тиббиёт генетикаси”, “IT-технологияси” каби фанлар киритилади ва хорижий педагогларни жалб қилган ҳолда ўқув жараёнлари ташкил этилади.

Таълим муассасасини битираётган ҳар бир мутахассис камида 1 та чет тилига мукамал эга бўлади. Вазирлик томонидан жорий йил бошидан 150 нафар мутахассислар Германия, Ҳиндистон, Туркия ва Корея давлатларига 3-4 ойлик малака оширишга юборилади. Йил охиригача 1 500 нафар малакали мутахассислар хорижга малака оширишлари режалаштирилган, шунингдек, 600 нафар хорижий мутахассислар мамлакатимизга таклиф этилади. Олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари Корея, Германия ва Россия стандартлари асосида қайта кўриб чиқилади. Тиббиётда етакчи бўлган хорижий университетлар дарслик ва илмий ишлари асосида ўзбек тилида янги авлод адабиётлари яратилади. Талабаларни назарий ва амалий билим ҳамда кўникмаларини баҳолаш бўйича икки босқичли янги тизим жорий этади. “Узлуксиз касбий таълим академияси” ташкил этиш орқали, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими 11 та институт, 23 та ихтисослаштирилган марказлар, 26 та кўп тармоқли клиникалар ва хусусий муассасаларида амалга ошириш йўлга қўйилади. Малака тоифасини беришда, инсон омили аралашмайдиган, шаффоф, 3 босқичли янги тизим жорий этилади. Таълим йўналишидаги бюрократик тўсиқларга барҳам берилади. Жумладан, методик қўлланмалар, монографиялар, услубий қўлланмалар, илмий ишларга хулосалар беришни вазирлик томонидан тасдиқлаш тизими бекор қилиниб, барча ваколатлар эндиликда олий таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган марказлар томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб, малака тоифаси олиш бўйича тақдим этиладиган ҳужжатлар Давлат хизматлари марказлари орқали фақат электрон шаклда қабул қилиш тартиби жорий этилади. Малака тоифа сертификатлари QR-код

қўйилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади. Мавлумки, тиббий хизматда суғурталаш тизимини йўлга қўйдик. Бу тажриба дастлаб Сирдарёда синаб кўрилди. Фаолиятлар ижобий томонга ўзгариб, бу тизим кенг оммага тарғиб қилинмоқда. Бу борада эришяётган натижаларни инобатга олган ҳолда, мазкур тизим Тошкент шаҳрида ҳам қўлланилади. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Андижон вилоятлари-

кейинчалик республиканинг барча ҳудудларида ҳам бу тизим тўлиқ электрон шаклга ўтказилади.

Давлат тиббий суғурта жамғармаси олдидаги муҳим вазифалардан бири Гулистон шаҳар марказий шифохонаси негизида инфаркт ва инсульт касаллиги асоратларини даволаш, протезлаш жароҳлигидан сўнг тикланиш ҳамда суяк-мушак тизими касалликлари мавжуд болаларни махсус даволаш муолажаларини амалга оширишга ихтисослаштирилган ви-

лоятнинг Урганч ва Боғот туманларида 250 нафар, Тошкент шаҳрида 700 нафар беморга хизмат кўрсатувчи 4 та янги гемодиализ марказлари фаолияти йўлга қўйилди. 2023 йилда халқаро стандартлари асосида Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида нузли (радио) терапия марказларини ташкил қилиш ишларини бошлади. Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида замонавий кўптармоқли тиббиёт шаҳарчасини барпо этиш ишлари бошлаб

– хусусий клиникаларни лицензиялашда тўланадиган лицензия божини ва йиғими миқдорини ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳаражатлардан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилади.

– лицензия шартларига рақамлаштириш ва дори воситалар билан таъминотида доир талаблар киритилади.

2022 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросининг айрим бандлари 2022 йилда босқич-ма-босқич амалга оширилди. Таъкидлашим муҳимки, беморлар ҳаёти ва соғлигини асраб қолиш, уларга шошилинч тиббий хизмат кўрсатишда “Тез ёрдам”нинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қисслаб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари топширигига асосан кейинги йилларда бу йўналиш бутунлай трансформация қилинди. Соҳанинг моддий техник базаси янгиланиб, кадрлар салоҳияти оширилмоқда. Бунинг натижасида ҳозирга келиб, “Тез ёрдам”да кечикишлар сони кескин қисқарди. “В” тоифали замонавий реанимобиллар сони 24 тадан 541 тага кўпайтирилди. Тошкент шаҳрида тез тиббий ёрдам ягона тизимга бирлаштирилиб, айна пайтда бу ишлар ҳудудлар кесимида олиб борилмоқда. Бироқ соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар йўқ эмас. Сўнгги пайтларда “103” автомашиналари иштирокида тез-тез йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани, бунга айрим ҳайдовчиларнинг махсус автотранспорт воситаларини бошқаришдаги малакаси етишмаётгани сабаб бўлаётгани боис уларнинг малакасини ошириш бўйича алоҳида курслар очил ва махсус автодромлар ташкил этиш муҳим деб ўйлайман. 2023 йилда тез тиббий ёрдам фаолиятини рақамлаштириш, республика, вилоят ва туман даражасида ягона бошқарув тизимини шакллантириш. Шу билан бирга тизим фаолиятни янада такомиллаштириш вазифалари режалаштирилган. Жорий йилнинг январь ойида Республика тез тиббий ёрдам маркази автобазаси 110 та “Volkswagen Caddy” русумли сўнгги авлод тез тиббий ёрдам машиналари билан бойиди.



нинг тиббиёт муассасаларини интернет билан таъминлаш, иккинчи ярим йилликда эса тиббий суғуртани амалга ошириш режалаштирилган. 2024 йилда бу тизим мамлакатимизнинг қолган ҳудудларида ҳам амалга оширилади. Демак, Тошкент шаҳридаги 72 та поликлиника ва 40 та шифохонани компьютер жихозлари, зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлашга 30 миллиард сўм йўналтирилади. 2023 йил 1 июлдан бошлаб пойтахтда тиббий суғурта тизими механизмлари жорий этилади. 1400 та тиббий бригадалардаги 4900 нафар шифокор ва ҳамширалар махсус курсларда ўқитилади.

“Электрон рецепт” тизими асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига дори воситаларини бепул бериш йўлга қўйилади. Шу билан бирга, “Тошкент тажрибаси” асосида кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллаларда 170 та ихчам маҳалла тиббиёт пунктлари фаолияти йўлга қўйилади. 579 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида “Саломатлик мактаби” ташкил этилади ва соғлом турмуш тарзини фаол олиб борган, юқори натижаларга эришган фуқаролар рағбатлантирилади. Бу тажриба даставвал, Тошкент шаҳри, Навоий, Сирдарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида амалга оширилади. Натижага асосан

лоят реабилитация марказини ташкил этишдан иборатдир. Шунингдек, аҳолига кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни кўрсатиш сифати юзасидан мурожаатларни қабул қилиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этишга мўлжалланган ягона қисқа рақамли “Колл-марказ”ни ташкил этиш режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш тизимида хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган. Хусусан, 2022 йилда Ҳукумат кафолати остидаги 135 миллион долларлик 12 та инвестиция лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, бирламчи тизим муассасаларига 35 миллион доллар қийматидаги 930 тадан УЗИ, ЭКГ ускуналар ҳамда 4700 та компьютер жамланмалар, 2020 та офтальмоскоп/отоскоп, 1100 тадан хирургик ва гинекологик жамланмалар ҳамда стоматологик ускуналар, 4050 та катгалар ва чақалоқлар электрон тарози ва бўй ўлчагич, 1300 та гинекологик кресло каби анжомлари етказиб берилди. 2023 йилда 150 миллион долларлик 13 та инвестиция лойиҳалар амалга оширилади. 2023–2026 йилларда 300 миллион долларлик грант маблағлари жалб этилади.

Ўтган давр мобайнида Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Нукус шаҳрида

юборилди. Сингапур билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида Давлат хусусий шериклик асосида репродуктив марказлари ташкил қилинади.

Хусусий тиббиёт муассасаларига божхона имтиёзлари узайтирилди, улардан ундириладиган мажбурий туристик йиғим бекор қилинди, чет элдан мутахассисларни жалб этишни соддалаштирилди. Натижада хусусий тиббиёт муассасалари сони 8300 тага етди. Давлат тиббий суғурта жамғармаси билан 29 та хусусий тиббиёт муассасаси шартнома асосида иш бошлади ва 3 миллиард сўмлик тиббий хизмат кўрсатди. **2023 йилдан бошлаб, тиббий туризм ва аккредитациялаш йўналишларини тартибга солиш бўйича вазирлик ҳузурида ўзини-ўзи молиялаштирадиган тузилма ташкил этилади:**

Бир сўз билан айтганда, соғлиқни сақлаш соҳасида одамларнинг розилигига эришиш, тиббиётдаги ислохотларни халқчил тизимга айлантириш бош мақсадимиз экан, бу йўлда Юртбошимиз ва халқимиз олдидаги ишонччи оқлашга бор куч ва имкониятлардан самарали фойдаланамиз.

Амрилло ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ - КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ МАҚСАДЛИ ТИЗИМИДИР

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантиришга бағишланган хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Сир эмаски, Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар самараси соҳа мутахассисларининг билим ва салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу долзарб масала ечими, албатта, тиббий таълим сифатига бориб тақалиши табиийдир.

тувчи ўқув жараёнига жалб қилиниб, илмий салоҳият 32 фоиздан 46 фоизга ошди. Барча тиббиёт коллеж ва техникумларида халқаро қўшма таълим дастурлари жорий этилади

Бунинг баробарида, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, коллеж ва техникумларда кадрлар тайёрлаш тизими мут-



халқаро қўшма таълим дастурларини жорий қилиш мажбурияти юклатилади. Малака тоифасини бериш тизими мутлақо янгича форматда йўлга қўйилади. Малака тоифасини бериш тизими 2023 йил 1 апрелдан бошлаб мутлақо

сасаларимизнинг миллий ёки дунё рейтингда тутган ўрни талаб даражасида эмаслигини таъкидлаб, шундан келиб чиққан ҳолда тиббий ОТМларининг 2023 йил учун тайёрланётган самарадорлик кўрсаткичларига (KPI) Миллий рейтингда дастлабки 10 талик ва дунёдаги топ 1000 талик рейтингдан жой олиш талабларини кўзда тутиш зарурлигини айтиб ўтди. Шунингдек, энди ҳар йили камида 500 нафар ёш, иктидорли педагоглар ҳамда коллеж ва техникум директорлари чет элда малака ошириши чораларини кўриб, қолаверса, клиник кафедраларнинг 80 фоизи тиббиёт олий таълим муассасасининг ўзида (аудитория типиде), факат 20 фоизи клиник шифохоналарда жойлашгани ҳам ўқитиш сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаб, ОТМнинг клиник кафедраларини жойлаштириш масаласини тубдан қайта кўриб чиқиш муҳимлигини айтди. Бунда Тошкентдаги ОТМ клиник кафедраларини, энг аввало, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида, Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази, йирик клиник шифохоналар ҳамда кўп тармоқли хусусий клиникаларда, ҳудудлардаги ОТМ клиник кафедраларини, энг аввало, ихтисослаштирилган марказ ва РШТИЁМ филиалларида, вилоят шифохоналари ҳамда болалар ва катталар кўп тармоқли марказларда жойлаштириш чора-тадбирларини кўришни ҳам алоҳида тилга олди.



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов кириш сўзи билан очиб, кун тартибидеги муҳим масалаларга атрофлича эътибор қаратди. Ушбу тадбирда вазирлик марказий аппарати масъул ходимлари, тизимдаги барча олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳамда бошқа тузилмалар раҳбар ходимлари иштирок этди. Мазкур йиғилиш онлайн тарзда олиб борилди.

Ушбу йиғилишда таълим муассасаларида амалга оширилган ижобий натижалар ва келгусидаги вазифаларга кенг ургу берилди. Шунингдек, тиббий таълим, соҳа ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилди. Жумладан, юртимизда 22 та хорижий университет билан халқаро қўшма дастурлар асосида тиббиёт кадрлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Қайд этилганидек, Президентимиз топшириқлари асосида кейинги 6 йилда юртимизда тиббиёт олий ўқув юртлири сони 11 тага етди. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари ва институтларда 6 та тиббиёт факультети ташкил этилди. Бухоро давлат тиббиёт институтида Туркиянинг соғлиқ билимлари университети билан ҳамкорликда Туркия тиббиёт факультети, Тошкент шаҳрида Н. Пирогов номидаги Россия тиббиёт университетининг ҳамда Жиззах шаҳрида Қозон федерал уни-



верситетининг филиаллари очилди. Россия, Корея, Германия, Беларусь, Туркия, Украина, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша давлатларининг 22 та университети билан 12 та бакалаврият таълим йўналиши, 10 та магистратура ва 8 та клиник ординатура мутахассисликлари бўйича халқаро қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Бакалавриятда 4 та, магистратурада 14 та ва клиник ординатурада 6 та янги мутахассислик очилди. Кейинги 6 йилда тиббий таълим йўналиши бўйича қуйидаги натижаларга эришилди. Бакалавриятда 4 та янги таълим йўналиши очилиб, қабул квоталари 2,4 баробар, магистратурада 14 та янги мутахассислик ҳисобига квоталар 3 баробар, клиник ординатурада эса 6 та янги мутахассислик ташкил этилиши натижасида квоталар 2 баробарга оширилди. Интернатура жорий этилиб, 19 та йўналиш бўйича йилига 500 нафар тор мутахассис тайёрланмоқда. Шу билан бирга, ўқув режаларидаги номутахассис фанлар улуши 2 баробар қисқартирилди. Хорижда 350 нафар профессор-ўқи-

лақо янги тартиб ва йўналишларда йўлга қўйилади; бирламчи бўғин муассасалари учун коллежларда умумий амалиёт ҳамширасини тайёрлаш 2 йиллик дастур асосида амалга оширилади; техникумларда ихтисослаштирилган ҳамширалар (хирургия, парамедик, анестезиология, физиотерапия, фельдшерлик, нур ва функционал диагностика, тиббий профилактика иши, фармацевт ассистенти, стоматология, ортопедик стоматология техниги) 3 йиллик дастур асосида тайёрланади. Олий таълим муассасаларида олий малакали ҳамширалар тайёрлаш 4 йиллик халқаро ўқув дастурлари асосида амалга оширилади. Талабалар 2 йил Ўзбекистонда 2 йил хорижда таълим олади. 2023 йил февраль ойидан бошлаб 2-Республика тиббиёт коллежи негизида шифокор ва ҳамшираларни тайёрлаш бўйича Саудия Арабистонининг «Ал Ҳабиб академияси» ташкил этилади. Туркиянинг соғлиқ билимлари университети билан ҳамкорликда Ҳамширалар Академияси фаолияти йўлга қўйилади. Энг муҳими, шу йилдан ҳар бир коллеж ва техникумга

янгича форматда йўлга қўйилади. Ушбу тизим босқичма-босқич трансформация ёки реабилитация қилинади. Бунга кўра талабгорларнинг хужжатлари онлайн қабул қилинади. Талабгорнинг малака талабларига мувофиқлиги, назарий билимлари ва амалий кўникмалари 3 босқичлик тизимда баҳоланади. Инсон омилини қамайтириш ва коррупцион хавфларни баратараф этиш мақсадида синов жараёнлари ҳам онлайн тарзда олиб борилади. Тизимда фаолият юритаётган раҳбар кадрларни соғлиқни сақлашни бошқариш йўналишида тиббиёт дипломатиясига ўқитиш ташкил этилади. Ҳайъат йиғилишида тизимдаги тиббий олий ўқув юртлири фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ҳам устувор вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов тиббий олий таълим муас-

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган мулоқотда масъуллар соҳани ривожлантириш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ

Қарийб ярим асрдирки, Оролбўйи минтақасида экологик вазият мураккаб. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсирини кўрсатаётгани сир эмас. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати минтақада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида хизмат сафарига бўлди.

БИРИНЧИ МАНЗИЛ
– ТАХИАТОШ

уларга тиббий ёрдам кўрсатишда доим тор соҳа мута-

